



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги қўн йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Юлдашев Акмалжон Нуритдинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тезкор таъминлаш бошқармаси бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Анисимов Виталий Васильевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

Раметов Махмуд Махсатович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув бошқармаси бошлигининг ўринбосари

«Мардлик» ордени билан

Абдусаттаров Жамшид Турсунбоевич (марҳум) — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати батальони катта инспектори

Баймирзаев Аваз Рустамбекович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Янгийўл тумани ёнги хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган ёнги хавфсизлиги қисми бўлими командири

Мирзаев Баҳодир Бахтиёрвич (марҳум) — Тошкент вилояти Ўқота тумани ички ишлар бўлими автотранспорт воситалари техник ҳолати, улардан фойдаланиш ҳолатлари ва метёрларига амал қилишни назорат этиш бўлими катта инспектори

Тиллаев Аваз Мансурович — Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ички ишлар бошқармаси профилактика бўйича катта инспектори

Умрзақов Зиёвуддин Махаммадсолиев — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

«Жасорат» медали билан

Ахмедов Эргашбек Эркинович — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

Джавлонов Хуршид Эргашевич — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Жабборов Отабек Камолитдинович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Мажидов Зоҳид Абдурахманович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Рузиев Фаррух Талъатович — Тошкент шаҳар Олмасор тумани ички ишлар бошқармаси профилактика бўйича катта инспектори

Самаров Сахобжон Собиржонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отрядлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими катта офицери

Хожимуродов Бобир Гафурович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бошқармаси Жиззах шаҳар ёнги хавфсизлиги бўлими катта инспектори

Эргашев Хасан Тухтамуродович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 23 октябрь

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Адхамов Каримжон Комилович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бошқармаси Фарғона шаҳар ёнги хавфсизлиги бўлими бошлиғи
Зантов Улуғбек Абдурахманович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари — тергов бошқармаси бошлиғи

Казаков Хамид Машарипович — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқ-бузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Қурбанов Махсуд Хошимович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи
Миралимов Миржамол Юлдашевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи

Пардаева Утилод Нарматовна — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси кадрлар бошқармаси бошлигининг ташкилий-штат ишлари бўйича ёрдамчиси

Садиков Акрамхон Абдулазизович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғи

Тиллаев Рузикўл Икромович — Навоий вилояти Нурота тумани ички ишлар бўлими профилактика бўйича катта инспектори

Хамраев Мустафо Умарович — Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани ички ишлар бўлими профилактика бўйича катта инспектори

Эргашов Ойбек Ахматович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул кўшнлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Юсупбаев Темур Куандикович — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими профилактика бўйича катта инспектори

«Шуҳрат» медали билан

Азизов Сарвар Мўйсинович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Бухаров Рафик Ботирович — Жиззах вилояти Зафаробод тумани ички ишлар бўлими профилактика бўйича катта инспектори

Норкулов Ғайратжон Номозович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

Сойидов Ғайратилла Нигматиллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнги хавфсизлиги бош бошқармаси мураккаб ёнги ишларни ўчириш бўйича республика ихтисослаштирилган отряди экипаж командири

Саттаров Жасурбек Зуфарович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

Сафаров Дилшод Чориевич — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Хайрилов Алишер Чориевич — Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ички ишлар бўлими профилактика бўйича инспектори

Юзбаев Нурлан Эрмухамедович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони ҳайдовчи-ҳодими

Ш.МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг таклифига биноан 2017 йил 25-26 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Туркияда бўлади.

Анкара шаҳрида бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркия ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш, глобал ҳамда минтақавий таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашиш

масалалари муҳокама қилинади, халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади. Ўзбекистон делегацияси, шунингдек, Истамбул шаҳрига ҳам ташриф буюради. Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёоти қабул қилиниши, турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривож-

лантириш, жумладан, Ўзбекистон ва Туркия ишбилармон доиралари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар учун қулай шароитлар яратиш, сайёҳлар алмашинуви ва маданий-гуманитар алоқаларни фаоллаштиришга қаратилган кўплаб ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Матбуот анжумани

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ

9 ойлик фаолияти бўйича ахборот берди



Фаруқ АЛИЕВ олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракцияси матбуот анжумани ўтказди. Унда фракция раҳбари Ҳотамжон Кетмонов жорий йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар ҳақида оммавий ахборот воситалари вакилларига атрафлича маълумот берди.

► Давоми 2-бетда.

24 октябрь — БМТ ташкил топган кун

ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ ҲАМКОРЛИГИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз номи билан бутун дунё мамлакатларини бирлаштирган универсал халқаро ташкилотдир. Ўзбекистон ушбу халқаро тузилма иштирокидаги дастлабки ойларидаёқ — 1992 йил 2 март кун аъзо бўлган. Ўтган даврда ўзаро алоқалар изчил ривожланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Бу тарихий ташриф мамлакатимиз билан БМТ ҳамкорлигининг янги босқичини бошлаб берди.

Маълумки, БМТ Бош Ассамблеяси сессияси инсоният олдида турган долзарб муаммоларни муҳокама этиш, уларга ечим қидириш масалаларига бағишланади. Бу борада давлатларнинг қарашлари ўртага ташланади, минтақалар ва халқлар манфаатидан келиб чиқиб ҳулосалар белгиланади.

Бундай форумда маъруза қилиш имконияти ҳаммага ҳам берилмаётган. Бунда давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, халқаро майдондаги обрў-эътибори, дунёда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, турли миллат ва элатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги фаол иштироки ҳисобга олинади. Давлатимиз раҳбарининг сессиядаги иштироки ва БМТнинг юксак минбаридан туриб сўзлаган нутқи шу жиҳатдан тарихий воқеа бўлди. Айтиш жоизки, Президентимиз ўз нутқида уч йўналишдаги — Ўзбекистон, Марказий Осиё минтақаси ва БМТ даражасидаги фикрларини ўртага ташлади, умуминсоний манфаатлар кўзланган тақдир ва ташаббусларни илгари сурди.

Нутқда баён қилинган Ўзбекистонда барча соҳадаги ислохотлар «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган тамойилга асосланиши, 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани, мамлакатимизда Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилиб, одамлар давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари одамлар учун хизмат қилаётгани, бу жамиятимиз шioriга айлангани, Ҳаракатлар стратегияси бу ишларда асосий дастур бўлиб хизмат қилаётгани ҳақидаги фикрлар жаҳон афкор оммасида катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, экологик вазиятни барқарорлаштириш, қўшни Афғонистондаги вазиятни ўнглаш,

минтақани ядродан холи ҳудудга айлантириш, наркобизнесга қарши курашишда барча давлатлар сайёҳ-ҳаракатларини бирлаштириш масалаларини доимо илгари суриб келган. Бу дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда БМТ фаолиятига дахлдор қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинишига асос бўлган. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Марказий Осиёни ўзаро ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатлари асосида изчил тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган ишлар минтақада сиёсий мулоқот фаоллашиб, кўплаб масалаларни ҳал қилиш имконини бераётган.

Нутқда илгари сурилган яна бир муҳим масала, бу минтақадаги сув захира-ларидан оқилона фойдаланиш, Орол фожияси оқибатларини бартараф этиш бўйича халқаро сайёҳ-ҳаракатларни бирлаштириш гоёсидир. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида Орол фожияси акс эттирилган ҳаритани минбар узра баланд кўтариб кўрсатди. Бундай ҳолат нуфузли ташкилот сессияларида ҳали кузатилмаган.

Президентимизнинг дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, БМТнинг халқаро муносабатлардаги ролини ошириш борасидаги фикрлари ҳам долзарб аҳамиятга моликдир. БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва Бош Ассамблеянинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича ташаббуслар, аynиқса, тарихий воқеадир. Ушбу таклифлар саммит давомида ҳорижий оммавий ахборот воситалари учун кун мавзуси бўлди, давлат раҳбарларининг учрашувларида, турли доирадаги тадбирларда қизғин муҳокама этилди.

Кейинги бир йилда ўзаро ташрифлар ҳам фаоллашди. Жорий йил июнь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерриш мамлакатимизга ташриф буюрди. Президентимиз билан учрашув ўтказди. Самарқанддаги Халқ қабулхонаси, «Юксалиш» маҳалла фуқаролар йиғини ва бошқа диққатга сазовор жойлар билан танишди.

Шу йил 10-12 май кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси делегацияси мамлакатимизда бўлди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайни Президентимиз Шавкат Мирзиёев қабул қилди.

Делегация аъзолари Ўзбекистонга ташрифи доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Олий суд, Бош прокуратура, Ташқи ишлар, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази, Хотин-қизлар кўмитаси раҳбарияти, Омбудсман билан самарали учрашувлар ўтказди. Юксак мартабали меҳмон Самарқандни зиёрат қилиш асносида Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятдаги Халқ қабулхонасида ва маҳаллада ҳам бўлди. Вилоятдаги турли диний конфессиялар, бир қатор миллий маданий марказлар вакиллари билан учрашди.

Яқинда БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид мамлакатимизда бўлиб, дин ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Ушбу ташриф ҳам Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда халқни рози қилиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича миллий ва халқаро нодавлат ташкилотлар билан очик мулоқотлар фаоллашиб бораётгани, турли сабабларга кўра тўғри йўлдан адашганларни соғлом ҳаётга қайтариш борасида дунё ибрат олса арзиғулик ишлар амалга оширилаётганини кўрсатди. Буларнинг бари Ўзбекистоннинг БМТ билан муштарак мақсадлари жамиятимиз ҳаётида тўла ифодасини топаётгани, ҳамкорликдаги лойиҳалар умумий тараққиётга хизмат қилаётганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг БМТ ва унинг тузилмалари, халқаро молия институтлари ва бошқа ташқи сиёсий шериклар билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришда дастуриламал бўлмоқда.

Шу йил ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро анжуман ушбу тенденцияни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ушбу анжуманда мамлакатимиз сиёсатининг янги йўли, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик, минтақа халқлари манфаати намоён бўлади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

